(4

ŌZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYAT
OQDARYO TUMAN
H O K I M I

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
Х О К И М И

****

Q A R O R

«4 август 2000 йил № 280-К

"Узбекистон" ва "Н.Примкулов" номли ширкат хужаликлари ер майдонлари хисобидан фукароларга икка тартибда уй-жой куриш ва шахсий ёрдамчи хужалик юритиш учун ер майдонларини "Ким ошди" савдоси орхали сотиш хакида.

Узбекистон Республикаси Президентининг "Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишгурисида"ги 1994 йил 24-ноябрдаги Фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 11-апрелдаги 126-сонли, "Савдо ва хизмат курсатиш обьектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда умрбод мерос килиб колдириш шарти билан эгалик килиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби турисида"ги Карорининг ижросини таьмилаш хамда 2000 йилда Самарканд вилоятида хусусийлаштириш кичик ва урта бизнесни ривожлантириш жараенларини чукурлаштириш дастурини бажариш максадида

К А Р О Р К И Л А М А Н:

1."Узбекистон" ширкат хужалиги аьзоларининг 1999 йил 13-февралдаги 1-сонли, "Н.Примкулов" номли ширкат хужалиги аьзоларининг 2000 йил 14-мардаги 1-сонли умумий йигилиш карорлари маьлумот учун кабул килинсин.

2."Узбекистон" ва "Н.Примкулов" номли ширкат хужаликлари худудлардаги ер майдонлари хисобидан фукароларга мерос килиб колдириш шарти билан умрбод эгалик килиш учун уй-жой куриш ва шахсий ёрдамчи хужалик юритиш учун ер майдонларини "Ким ошди савдосида сотиш учун Окдарё туман хокимлиги кошидаги ер майдонларини бериш/реализация килиш/ масалаларини куриш буйича доимий ишловчи махсус комиссиясининг 2000 йил 04-августдаги йигилиш карори тасдиклансин./Комиссия карори илова килинади/

3."Ким ошди" савдосига "Узбекистон" ширкат хужалигидан майдони 0,10гадан 10та, шу жумладан хар бири уй-жой куришга 0.04га ва шахсий ёрдамчи хужалик юритишга 0.06га, "Н.Примкулов"номли ширкат хужалигидан майдони 0.10гадан 10та, шу жумладан хар бири уй-жой куришга 0.04га ва шахсий ёрдамчи хужалик юритишга 0.06гада иборат булган жами хар бир хужаликдан 1/бир/ гектардан хисоблаб, 2/икки/гектар ер майдонлари хамда йуллар учун хар бир хужаликдан 0,12 гадан хисоблаб, жами 0,24 га ер майдонлари хам мазкур хужаликлар ер фондидан ажратилиб, мерос килиб колдириш шарти билан умрбод эгалик килиш учун фукароларга сотишга куйилсин.

4."Ким ошди савдосини утказиш Волия давлат мулкини Бошкариш ва тадбиркорликни Куллаб-Кувватлаш худудий Бошкармасидан суралсин.

5.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг уринбосари Ш.Негматов зиммасига юклатилсин.

ТУМАН ХОКИМИ: Р.РАШИДОВ.